

ЭКОТУРИЗМНИНГ МАҚСАДИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Зокир Рустамович СОДИКОВ

Доцент

Иқтисод фанлари номзоди

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Экологик туризм – табиий муҳитни асраб-авайлаш, маҳаллий аҳолининг фаровонлигини ошириш ва сайёҳлик фаолиятини барқарор ривожлантиришга йўналтирилган туризм шаклидир. Ушбу туризм тури атроф-муҳитга минимал салбий таъсир кўрсатган ҳолда амалга оширилади ва сайёҳларга табиий ҳамда маданий меросни ўрганиш имконияти берилади. Экологик туризмнинг асосий тамойиллари орасида барқарорлик, биологик хилма-хилликни сақлаш, маҳаллий жамиятларни қўллаб-қувватлаш ва экологик таълим бериш каби жиҳатлар ҳам инобатга олинади. Ушбу туризм тури нафақат иқтисодий жиҳатдан фойда келтиради, балки экологик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Таянч сўзлар: экологик туризм, барқарор ривожланиш, биологик хилма-хиллик, экологик таълим, табиий муҳит, маданий мерос, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшил туризм, экотизим хизматлари.

ХАРАКТЕРИСТИКА ЦЕЛЕЙ И ПРИНЦИПОВ ЭКОТУРИЗМА

Зокир Рустамович СОДИКОВ

Доцент

Кандидат экономических наук

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

Экологический туризм – это форма туризма, направленная на сохранение природной среды, повышение благосостояния местного населения и устойчивое развитие туристической деятельности. Этот вид туризма осуществляется с минимальным негативным воздействием на окружающую среду и предоставляет туристам возможность изучать природное и культурное наследие. Основными принципами экологического туризма являются устойчивость, сохранение биологического разнообразия, поддержка местных сообществ и экологическое просвещение. Данный вид туризма не только приносит экономическую выгоду, но и способствует обеспечению экологической и социальной устойчивости.

Ключевые слова: экологический туризм, устойчивое развитие, биологическое разнообразие, экологическое образование, природная среда, культурное наследие, охрана окружающей среды, зелёный туризм, экосистемные услуги.

Экотуризм туризмнинг анъанавий турларига муқобил сифатида ривожланган ва унинг асосан иккита мақсади мавжуд бўлиб, улардан, биринчиси инсоннинг табиий ҳудудларга таъсирини минималлаштириш бўлса, иккинчиси эса маҳаллий аҳолининг иқтисодий фаровонлигига ҳисса қўшишдан иборат. Ушбу ҳисса қўшишнинг мақсади маҳаллий аҳолининг табиий ҳудудлар ресурсларини иқтисодий сабабларга кўра ўзларининг эҳтиёжидан ортиқча қисмини истеъмол қилишларига йўл қўймасликдан иборат. Экотуризм муқобил турмуш манбаларини таъминлаш орқали жамиятнинг ривожланишига кўмаклашади. Экотуризмнинг мақсади биологик хилма-хилликни ҳимоя қилиш, сайёҳларга экологияни муҳофаза қилиш тажрибаларини ўргатиш ва экологик муҳитни ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий манфаат келтирадиган ресурслардан барқарор фойдаланиш кабилардан иборат. Фақат, экотуризмда мақсадларга эришиш уларнинг атроф-муҳит ва экологик жиҳатдан барқарор ривожлантириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган ишларни амалга ошириш имконияти мавжудлигига боғлиқ бўлади.

Айни пайтда, экотуризмнинг мақсади туристларнинг талаблари бўйича таҳлил қилинганда талқинларда ва таърифларда келтирилгани каби билиниши, кўрилиши, манфаат келтириши, табиатга эҳтиром кўрсатилиши ва табиатни қадрлашни ифода этади. Миллий ва халқаро сармоя нуқтаи назаридан қаралганда, экотуризмнинг мақсади янги даромад манбаларини очиш демакдир. Шу боис, умумий маънода баҳолаганда экотуризмда қуйидагилар устувор ҳисобланади. Жумладан:

атроф-муҳитга ва табиатга етказилган зарарни минимал даражага тушуриш;

экотуризмдан манфаатдор бўладиган томонларга зарур таълим-тарбия бериш ва мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишнинг таъминланиши;

манфаатдор томонларга экологик-маданий тушунча ва табиатни ардоқлаш кўникмасини шакллантириш;

жамиятда маҳаллий аҳоли фаровонлигини ошириш;

маҳаллий аҳоли билан маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамкорликда ҳаракат қилиш орқали минтақавий экотуризмни ривожлантириш учун замин ҳозирлаш;

экотуризм ҳудудлари учун ресурсларни яратиш ва бошқариш;

экотуризм фаолияти натижаларини қисқа ва узоқ муддатли баҳолаш, уларнинг ижобий ва салбий таъсирларини аниқлаш ҳамда бу йўналишда режа ва стратегияларни ишлаб чиқиш;

атроф-муҳит салоҳиятини мониторинг қилиш ва атроф-муҳитга оид салбий босимларни камайтириш;

туристик объектларни ва манзараларни табиий муҳитга зарар келтирмайдиган тарзда лойиҳалаштириш;

жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг атроф-муҳит билан уйғунлигини таъминлаш учун инфратузилмаларни барпо қилишга ва ривожлантиришга оид инвестицияларини амалга ошириш;

табиий ва маданий ресурсларга оид хавф-хатарларни камайтириш ва иложи бўлса, уларни бартараф этиш;

туристик фаолиятни барқарор тарзда бошқариш ва ривожлантириш ҳамда уларнинг барчаси амалга оширилганда туристик қониқишни максимал даражада оширишни мақсад қилиш лозим.

Экотуризмнинг асосий мақсади табиий манбаларнинг аҳамиятидан самарали фойдаланиб, уларнинг аҳамияти ва қадрини ошириш, шунингдек, уларни ҳимоя қилиш ҳамда маҳаллий аҳолига даромад келтириш манбаларини шакллантириш кабилардан иборат.

Экотуризмнинг ўз мақсадига мувофиқ амалга оширилиши, ҳудуднинг ўзига хос табиий бойликларини муҳофаза қилиниши учун ҳудудга ташриф буюрган сайёҳлар маҳаллий қадриятларни ва урф-одатларни асраб-авайлаш борасида бохабар бўлишлари керак. Экотуризмдан энг кўп зарар кўрадиган қатлам маҳаллий аҳоли бўлиб, улар ўз минтақаларида ривожланаётган

экотуризмнинг таъсири ҳақида олдиндан хабардор бўлишлари ва таълим олишлари муҳим аҳамият касб этади.

Экотуризм ўз мақсадига мувофиқ амалга оширилиши учун маҳаллий кадриятларни ҳимоя қилиш, турли тарғибот-ташвиқот ишлари, фестиваллар ва конференциялар орқали ҳудудлар хусусидаги ахборотларнинг кенг ёйилишига эришиш, амалга ошириладиган тадбирлар табиатга зиён етказмаслиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш зарур.

Шунингдек, экотуризм табиатни муҳофаза қилиш этикаси, экологик таълим ва талқин элементлари, экологик барқарорликка ва юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирларни минималлаштиришга аҳамият бериш талаб этилади. Айни пайтда, экотуризм учун фойдаланиладиган табиий ҳудудларни келажак авлодлар фойдалана олиши мумкин бўлган ҳолатда сақлаш, муҳофаза қилинган табиий кўринишида қолишини таъминлаш каби қатор элементлар билан тавсифланади.

Экотуризм табиий хусусиятлар билан бир қаторда маданий хусусиятлардан ҳам манфаат кўришни мақсад қилади. Хусусан, ташриф буюрилган жойларда қишлоқ ҳаёти билан таништириш, маҳаллий таомлар тарғиботига эришиш, табиат қўйнида чодирлардан кўчма уйлар куриш амалиётлари экотуризм фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади. Шу боис, мавжуд табиий манбаларга ва ресурсларга эътибор қаратадиган экотуризмда асосий жиҳат кундалик ҳаёт тарзини туризм фаолиятига айлантиришдан иборат.

Табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш, маҳаллий ресурсларни мустаҳкамлаш, экологик таълим, сифатли туристик фаолиятни таъминлаш ва маҳаллий иқтисодиётни кўллаб-қувватлаш экотуризмнинг асосий функцияларидандир. Ушбу ўзгарувчилар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш экотуризмнинг мақсадига эришишида муҳим рол ўйнайди. Экотуризм ҳақида кўплаб таърифлар мавжуд. Демак, экотуризм тамойилларини қуйидагича таснифлаш мумкин. Хусусан:

жисмоний, ижтимоий, хулқ-атвор ва психологик таъсирларни минималлаштириш;

экологик ва маданий тушунча ва эътиборни шакллантириш;

туристлар ва маҳаллий аҳоли учун ижобий тажрибаларни таъминлаш;

табиатни муҳофаза қилиш учун бевосита молиявий имтиёзлар бериш;

маҳаллий аҳоли ва корхоналар учун молиявий имтиёзлар бериш;

туристларга мезбон мамлакатнинг сиёсий, экологик ва ижтимоий муҳитига сезгирлигини, эътиборини ошириш учун тажрибаларни ўргатиш;

табиатга салбий таъсир кам бўлган объектларни лойиҳалаштириш, куриш ва ишлатиш;

маҳаллий аҳолининг ҳуқуқлари ва маънавий кадриятларини тан олиш ва мустаҳкамлаш учун улар билан биргаликда ишлаш керак.

Глобаллашув жараёни ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда соҳа мутахассислари ва олимлари фикрича, барқарор экотуризм 8 тамойилга асосланади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. ресурслар йўқ қилинмаслиги, улар экологияга нисбатан сезгир ва эътиборли шаклда ривожлантирилиши;

2. туристик жараён бошланиши билан бошидан иштирокчи ва ахборот берувчи тажрибалар таъминланиши;

3. маҳаллий жамоалар, ҳукумат, нодавлат ташкилотлар, корхоналар ва туристларнинг, яъни, барча томонларнинг экотуризм мақсадлари бўйича таълими, хусусан, саёҳатдан олдин, саёҳат давомида ва ундан кейин қамраб олиниши;

4. барча томонларнинг табиий ресурсларнинг ҳақиқий қадрини билишга ундаш;

5. табиий ресурснинг шартлари қабул қилиниши, чегаралар аниқланиши ва таъминотга қаратилган бошқарув қамрам олиниши;

6. ҳукумат, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, маҳаллий аҳоли ва олимлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши;

7. барча томонлар табиий ва маданий муҳитга нисбатан ахлоқий, этика масъулият ва ҳуқ-атвор қоидаларига риоя қилишга тарғиб қилиниши;

8. табиий ресурсларга, маҳаллий жамоаларга ва корхоналарга узок муддатли манфаатлар таъминланиши керак. Улар табиатни муҳофаза қилиш, илмий, ижтимоий, маданий ёки иқтисодий бўлиши мумкин.

Экотуризм маҳаллий туризм ресурсларидан оптимал фойдаланиш, кишлоқларда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва умуман жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш каби самараларга эга ҳисобланади. Экотуризм экологик тамойиллар ва барқарорлик бўйича иқтисодий фаолият маъносида баҳоланганда, у табиий ва барпо қилинган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сақлаш нуктаи назаридан энг муҳим фаолият тури ҳисобланади.

Экотуризм табиий ва маданий қадриятларни муҳофаза қилиш ва ҳудуднинг туризм даромадларини ошириш нуктаи назаридан муҳим туристик фаолият турларидан ҳисобланади. Мамлакатда мақсадга мувофиқ ривожланишни таъминлаш учун яхши бир экотуризм режаси ишлаб чиқилиши, экотуризм зоналари тартибга солиниши, назорат қилиниши ва реклама қилиниши талаб этилади.

Экотуризм, агар диққат билан режалаштирилса, бошқарилса ва назорат қилинса, кўплаб салбий таъсирларни минималлаштиришга ва ҳатто, уларнинг олдини олишга сабаб бўлиши мумкин.

Экотуризмни шу доирада қабул қилиш, уни экологик ва маънавий қадриятларга мувофиқ тарзда юритиш туризм ва маҳаллий аҳоли учун катта манфаатлар келишига сабаб бўлади. Экотуризм "экологик ва маданий қадриятларнинг барқарорлигини кафолатлайдиган ҳамда маҳаллий аҳолига моддий манфаат келтирадиган туризм" сифатида тушунилса ҳам, унинг асосий фаолияти табиатда амалга ошириладиган туризм турларидан иборат бўлиб, у баъзи тамойилларга эга бўлиши керак. Булар, табиий муҳит ва маҳаллий маданиятларнинг барқарорлиги тамойилларидан иборат.

Туризм билан атроф-муҳит ўртасида тўртта асосий алоқа мавжуд. Сотиш мумкин бўлган маҳсулот туристик жозиба касб этиши; туризм фаолиятларининг атроф-муҳитга таъсирини энг минимум даражага туширадиган ёки камайтирадиган тарзда бошқариш амалиёти мавжудлиги; туризмнинг табиатни муҳофаза қилишга бевосита ёки билвосита шаклда иқтисодий ёки моддий ҳиссаси борлиги; туристларнинг атроф-муҳитга муносабати ва туризм операторлари томонидан мижозларнинг экологик таълими амалга оширилиши кабилар.

Шу боис, туризм бизнесининг ҳар бир муҳим комбинациясининг экологик жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар маҳсулот ва бозорлар, бошқарув, пул ва инсонлардан ташкил топади. Зеро, экотуризм барқарор туризм соҳасининг кичик таркибий қисми ҳисобланади. Экотуризм барқарор ривожланишининг самарали воситаси сифатида қабул қилинган салоҳияти – бу ривожланаётган мамлакатларнинг энди уни қабул қилишининг, иқтисодий ривожланиши ва табиатни муҳофаза қилиш стратегияларига киритишларининг асосий сабаби бўлмоқда. Экотуризм ресурсларининг асосий таркибий қисмлари табиий ҳудудлар ва маҳаллий маданиятлар ҳисобланади. Бошқа диққатга сазовор жойлар (тарихий асарлар, транспорт, харид қилиш имкониятлари ва бошқалар)ни экотуризмни қўллаб-қувватловчи элементлар сифатида қўриш мумкин. Бу жиҳатдан табиий ҳудудларнинг бойлиги ва маҳаллий маданиятнинг ўзига хослиги катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Экотуризм муқобил иқтисодий асос яратиши мумкин, лекин у ижтимоий ва атроф-муҳитга таъсир қилмасдан автоматик равишда юзага келмайди. Шунинг учун маҳаллий аҳолига туризм томонидан яратилган иқтисодий мультипликаторларнинг муҳим қисмини эгаллашга имконият берилиши керак. Ҳақиқатда, исталган экотуризм фаолиятини амалга ошириш осон кўчмаса-да, барқарор экотуризм учун дастлаб миллий экотуризмни режалаштириш талаб этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябр ПФ-158-сон фармони. Lex. uz
2. Вахабов А.В. ва бошқалар Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик. – Тошкент: Бактрия пресс, 2015.
3. Tuxliyev N. Jahon iqtisodiyoti rivojlanishida yangi trendlar: monografiya. – Toshkent: Ilm-Ziyo-Zakovat, 2021.
4. Krugman P., Obstfeld M., Melitz M. International economics: theory and policy. 12th edition. Harlow, Essex: Pearson, 2023, 817p.
5. Thomas A. Pugel. International Economics. Printed in the USA /. – 18th Edition. 2024.
6. <https://www.stat.uz>
7. <https://www.cbu.uz>
8. <https://wdi.worldbank.org/tables>